



O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASINING QONUNI

Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига соғлиқни сақлаш органлари фаолияти ҳақида жамоатчиликнинг хабардорлигини оширишга қаратилган ўзгартишлар ва қўшимча киритиш тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2023 йил 14 февралда
қабул қилинган
Сенат томонидан 2023 йил 24 августда
маъқулланган

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш соҳасини ислоҳ қилиш доирасида аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатишнинг замонавий тизимини шакллантириш борасида талай ишлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга соғлиқни сақлаш соҳасидаги ислохотларнинг натижалари, соғлиқни сақлашни бошқариш ҳудудий органларининг, бирламчи тиббий санитария ёрдами муассасаларининг фаолияти тўғрисида жамоатчиликнинг хабардорлигини ошириш, шунингдек мазкур органлар ва муассасалар фаолиятининг очиқлигини таъминлаш зарурати юзага келмоқда.

Шу туфайли мазкур Қонун билан «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари томонидан ярим йиллик яқунлари бўйича тегишинча соғлиқни сақлашни бошқариш ҳудудий органлари, туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмалари раҳбарларининг соғлиқни сақлашни ривожлантиришга оид давлат дастурларининг бажарилиши, касалликлар профилактикасининг ҳолати, соғлом турмуш тарзини ва тўғри овқатланишни шакллантириш, шунингдек соғлиқни сақлашнинг асосий кўрсаткичлари тўғрисидаги ҳисоботларини эшитишни назарда тутувчи қўшимча киритилмоқда.

Бундан ташқари «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига фуқаролар йиғинлари томонидан тегишинча аҳоли бириктирилган туман (шаҳар) кўп тармоқли марказий поликлиникалари, оилавий поликлиникалар ва оилавий шифокор пунктлари раҳбарларининг соғлиқни сақлашнинг ҳолати ҳамда фуқаролар соғлиғига таъсир этувчи омиллар, шу жумладан тегишли ҳудуднинг

санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисидаги ахборотини эшитишни назарда тутувчи ўзгартиш киритилмоқда.

Ушбу Қонун соғлиқни сақлаш органлари фаолиятининг очиклигини таъминлашга, шунингдек тиббий хизмат кўрсатишнинг ҳолати тўғрисида аҳолининг хабардорлигини янада оширишга хизмат қилади.

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган «**Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида**»ги 913–ХII-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, № 9, 320-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 9, 241-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 12, 418-модда; 2007 йил, № 4, 163-модда, № 9, 420-модда; 2008 йил, № 12, 640-модда; 2013 йил, № 12, 350-модда; 2014 йил, № 4, 86-модда, № 5, 130-модда; 2015 йил, № 6, 228-модда; 2017 йил, № 6, 300-модда, № 8, 383-модда, № 9, 510-модда, № 12, 772-модда; 2018 йил, № 7, 431-модда; 2019 йил, № 1, 1-модда, № 11, 792-модда, № 12, 891-модда; 2020 йил, № 9, 537-модда; 2021 йил, № 1, 3, 7, 13-моддалар, 4-сонга илова, № 8, 800-модда, № 12, 1198-модда; 2022 йил, № 3, 213-модда, № 6, 570, 577-моддалар, № 10, 984-модда; 2023 йил, № 1, 2-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимча киритилсин:

1) **24-модда биринчи қисмининг ўн еттинчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«тегишинча соғлиқни сақлашни бошқариш ҳудудий органлари, туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмалари раҳбарларининг ҳисоботларини эшитиш»;

2) **VI боб** қуйидаги мазмундаги **25⁵-модда** билан тўлдирилсин:

**«25⁵-модда. Халқ депутатлари Кенгаши томонидан
Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш
вазирлиги ҳудудий бўлинмалари раҳбарларининг
ҳисоботларини эшитиш**

Вилоятлар соғлиқни сақлаш бошқармалари ва Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармаси раҳбарлари ҳар ярим йиллик яқунлари бўйича тегишинча халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларига ҳудудда соғлиқни сақлашни ривожлантиришга оид давлат дастурларининг бажарилиши, касалликлар профилактикасининг ҳолати, соғлом турмуш тарзини ва тўғри овқатланишни шакллантириш, шунингдек соғлиқни сақлашнинг асосий кўрсаткичлари тўғрисида ҳисобот тақдим этади.

Вилоятлар соғлиқни сақлаш бошқармалари ва Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармаси раҳбарларининг ҳисоботини эшитиш яқунлари бўйича тегишли халқ депутатлари Кенгаши томонидан уларнинг фаолияти самарадорлигига баҳо берилади, ҳудуддаги соғлиқни сақлаш

соҳасидаги мавжуд муаммолар ва камчиликларни ҳал этишга, шу жумладан кўрсатилаётган тиббий хизматлар сифатини оширишга, тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга, тиббиёт ва фармацевтика ходимларининг малакасини оширишга ҳамда уларнинг ижтимоий ҳимоя қилинишини кучайтиришга қаратилган чоратадбирлар белгиланади, шунингдек тегишли қарор қабул қилиниб, қарор Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига юборилади.

Туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмаларининг раҳбарлари ҳар ярим йиллик яқунлари бўйича тегишинча халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашларига ҳудудда соғлиқни сақлашни ривожлантиришга оид давлат дастурларининг бажарилиши, касалликлар профилактикасининг ҳолати, соғлом турмуш тарзини ва тўғри овқатланишни шакллантириш, шунингдек соғлиқни сақлашнинг асосий кўрсаткичлари тўғрисида ҳисобот тақдим этади.

Туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмалари раҳбарларининг ҳисоботини эшитиш яқунлари бўйича тегишли халқ депутатлари Кенгаши томонидан уларнинг фаолияти самарадорлигига баҳо берилади, ҳудуддаги соғлиқни сақлаш соҳасидаги мавжуд муаммолар ва камчиликларни ҳал этишга, шу жумладан кўрсатилаётган тиббий хизматлар сифатини оширишга, тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга, тиббиёт ва фармацевтика ходимларининг малакасини оширишга ҳамда уларнинг ижтимоий ҳимоя қилинишини кучайтиришга қаратилган чоратадбирлар белгиланади, шунингдек тегишли қарор қабул қилиниб, қарор соғлиқни сақлашни бошқариш ҳудудий органларига юборилади».

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги 915–XII-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 22 апрелда қабул қилинган ЎРҚ–350-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2013 йил, № 4, 96-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 12, 383-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда; 2018 йил, № 7, 431-модда, № 10, 674-модда, № 12, 781-модда; 2019 йил, № 9, 588, 591-моддалар; 2021 йил, 4-сонга илова, № 12, 1194-модда; 2022 йил, № 3, 213-модда, № 6, 570-модда, № 10, 984-модда) **11-моддаси биринчи қисмининг тўққизинчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«тегишинча аҳоли бириктирилган туман (шаҳар) кўп тармоқли марказий поликлиникалари, оилавий поликлиникалар ва оилавий шифокор пунктлари раҳбарларининг профилактика кўрикларини ҳамда скрининг дастурларини амалга ошириш, фуқароларнинг репродуктив саломатлигини сақлаш, соғлом турмуш тарзини ва тўғри овқатланишни шакллантириш ҳолати, ижтимоий аҳамиятга молик касалликларнинг ҳамда атрофдагилар учун хавfli бўлган касалликларнинг тарқалиши, фуқаролар соғлиғига таъсир этувчи омиллар, шу жумладан тегишли ҳудуднинг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисидаги ахборотини эшитади».

3-модда. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

4-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси: ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин; республика ижро этувчи ҳокимият органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

5-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**



Ш. Мирзиёев

Тошкент шаҳри,
2023 йил 4 октябрь
№ ЎРҚ–870



О‘ЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASINING QONUNI

О внесении изменений и дополнения в некоторые законодательные акты Республики Узбекистан, направленных на повышение информированности общественности о деятельности органов здравоохранения

Принят Законодательной палатой 14 февраля 2023 года
Одобен Сенатом 24 августа 2023 года

В нашей стране в рамках реформирования сферы здравоохранения проводится значительная работа по формированию современной системы оказания качественного медицинского обслуживания населения.

Вместе с тем возникает необходимость повышения информированности общественности о результатах реформ в сфере здравоохранения, деятельности территориальных органов управления здравоохранением, учреждений первичной медико-санитарной помощи, а также обеспечения открытости деятельности данных органов и учреждений.

В связи с этим данным Законом вносится дополнение в Закон Республики Узбекистан «О государственной власти на местах», предусматривающее заслушивание по итогам полугодия местными Кенгашами народных депутатов соответственно отчетов руководителей территориальных органов управления здравоохранением, районных (городских) медицинских объединений о выполнении государственных программ развития здравоохранения, состоянии профилактики заболеваний, формировании здорового образа жизни и правильного питания, а также об основных показателях здравоохранения.

Кроме того, вносится изменение в Закон Республики Узбекистан «Об органах самоуправления граждан», предусматривающее заслушивание сходами граждан информации соответственно руководителей центральных районных (городских) многопрофильных поликлиник, к которым прикреплено население, семейных поликлиник и пунктов семейного врача о состоянии охраны здоровья и факторах, влияющих на здоровье граждан, в том числе санитарно-эпидемиологическом благополучии соответствующей территории.

Настоящий Закон послужит обеспечению открытости деятельности органов здравоохранения, а также дальнейшему повышению информированности населения о состоянии оказания медицинского обслуживания.

Статья 1. Внести в Закон Республики Узбекистан от 2 сентября 1993 года № 913–XII «О государственной власти на местах» (Ведомости Верховного Совета Республики Узбекистан, 1993 г., № 9, ст. 320; Ведомости Олий Мажлиса Республики Узбекистан, 1997 г., № 9, ст. 241; 1999 г., № 1, ст. 20; 2005 г., № 1, ст. 18; Ведомости палат Олий Мажлиса Республики Узбекистан, 2005 г., № 12, ст. 418; 2007 г., № 4, ст. 163, № 9, ст. 420; 2008 г., № 12, ст. 640; 2013 г., № 12, ст. 350; 2014 г., № 4, ст. 86, № 5, ст. 130; 2015 г., № 6, ст. 228; 2017 г., № 6, ст. 300, № 8, ст. 383, № 9, ст. 510, № 12, ст. 772; 2018 г., № 7, ст. 431; 2019 г., № 1, ст. 1, № 11, ст. 792, № 12, ст. 891; 2020 г., № 9, ст. 537; 2021 г., № 1, ст.ст. 3, 7, 13, приложение к № 4, № 8, ст. 800, № 12, ст. 1198; 2022 г., № 3, ст. 213, № 6, ст.ст. 570, 577, № 10, ст. 984; 2023 г., № 1, ст. 2) следующие изменение и дополнение:

1) **абзац семнадцатый части первой статьи 24** изложить в следующей редакции:

«заслушивание соответственно отчетов руководителей территориальных органов управления здравоохранением, районных (городских) медицинских объединений»;

2) **главу VI** дополнить **статьей 25⁵** следующего содержания:

«Статья 25⁵. Заслушивание Кенгашем народных депутатов отчетов руководителей территориальных подразделений Министерства здравоохранения Республики Узбекистан

Руководители управлений здравоохранения областей и Главного управления здравоохранения города Ташкента по итогам каждого полугодия представляют соответственно областным и Ташкентскому городскому Кенгашам народных депутатов отчет о выполнении государственных программ развития здравоохранения на территории, состоянии профилактики заболеваний, формировании здорового образа жизни и правильного питания, а также об основных показателях здравоохранения.

По итогам заслушивания отчета руководителей управлений здравоохранения областей и Главного управления здравоохранения города Ташкента соответствующим Кенгашем народных депутатов оценивается эффективность их деятельности, определяются меры, направленные на решение существующих проблем и недостатков в сфере здравоохранения на территории, в том числе на повышение качества оказываемых медицинских услуг, укрепление материально-технической базы медицинских учреждений, повышение квалификации медицинских

и фармацевтических работников и усиление их социальной защиты, а также принимается соответствующее решение, которое направляется в Министерство здравоохранения Республики Узбекистан.

Руководители районных (городских) медицинских объединений по итогам каждого полугодия представляют соответственно районным (городским) Кенгашам народных депутатов отчет о выполнении государственных программ развития здравоохранения на территории, состоянии профилактики заболеваний, формировании здорового образа жизни и правильного питания, а также об основных показателях здравоохранения.

По итогам заслушивания отчета руководителей районных (городских) медицинских объединений соответствующим Кенгашем народных депутатов оценивается эффективность их деятельности, определяются меры, направленные на решение существующих проблем и недостатков в сфере здравоохранения на территории, в том числе на повышение качества оказываемых медицинских услуг, укрепление материально-технической базы медицинских учреждений, повышение квалификации медицинских и фармацевтических работников и усиление их социальной защиты, а также принимается соответствующее решение, которое направляется в территориальные органы управления здравоохранением».

Статья 2. Абзац девятый части первой статьи 11 Закона Республики Узбекистан от 2 сентября 1993 года № 915–XII «Об органах самоуправления граждан» (в редакции Закона Республики Узбекистан от 22 апреля 2013 года № ЗРУ–350) (Ведомости палат Олий Мажлиса Республики Узбекистан, 2013 г., № 4, ст. 96; 2016 г., № 4, ст. 125, № 12, ст. 383; 2017 г., № 9, ст. 510; 2018 г., № 7, ст. 431, № 10, ст. 674, № 12, ст. 781; 2019 г., № 9, ст.ст. 588, 591; 2021 г., приложение к № 4, № 12, ст. 1194; 2022 г., № 3, ст. 213, № 6, ст. 570, № 10, ст. 984) изложить в следующей редакции:

«заслушивает информацию соответственно руководителей центральных районных (городских) многопрофильных поликлиник, к которым прикреплено население, семейных поликлиник и пунктов семейного врача об осуществлении профилактических осмотров и скрининговых программ, охране репродуктивного здоровья граждан, о состоянии формирования здорового образа жизни и правильного питания, распространении социально значимых заболеваний и заболеваний, представляющих опасность для окружающих, факторах, влияющих на здоровье граждан, в том числе санитарно-эпидемиологическом благополучии соответствующей территории».

Статья 3. Министерству здравоохранения Республики Узбекистан и другим заинтересованным организациям обеспечить исполнение, доведение до исполнителей и разъяснение среди населения сути и значения настоящего Закона.

Статья 4. Кабинету Министров Республики Узбекистан: привести решения правительства в соответствие с настоящим Законом;

обеспечить пересмотр и отмену республиканскими органами исполнительной власти их нормативно-правовых актов, противоречащих настоящему Закону.

Статья 5. Настоящий Закон вступает в силу со дня его официального опубликования.

**Президент
Республики Узбекистан**



Ш. Мирзиёев

город Ташкент,
4 октября 2023 года
№ ЗРУ–870